

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ривожлантиришда жиноий жазо тизимининг ўрни

Ҳар қандай демократик ислоҳотларнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши, давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик принципининг жорий қилиниши қонунда содир этган шахсларга қандай жазо қўлланиши кераклиги ҳақида аниқ таъриф бўлишини талаб этади. Бундай шахсга нисбатан давлат мажбурловининг ҳар қандай чораси эмас, балки амалдаги жиноят қонунида кўзда тутилган жазо қўлланилиши лозим бўлади.

Жиноят қонуни нормаларини татбиқ этиш назарияси ва амалиётда ижтимоий ҳавфли қилмиш учун жазолар рўйхати (жазо тизими) га катта аҳамият берилади. Шу боис жиноят Кодексининг умумий қисмида шахс қафолатларини таъминловчи жазо тизимда назарда тутилган, чунки жиноят қонунида кўзда тутилган муайян жазоларгина жиноятчиликка қарши курашда танланиши ҳамда жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Жазо тизими жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан суд томонидан тайинланиши мумкин бўлган ва оғирлигига қараб жиноят қонунида тегишли тартибда белгиланган жазо турларининг батафсил рўйхатидир. Янги тизим аввал амалда бўлган ва “оғирроқ жазодан унча оғир бўлмаган жазога ўтиш” принципига таянган жазо тизимидан фарқли ўлароқ, «унча оғир бўлмаган жазодан оғирроқ жазога ўтиш» принципига асосланди¹.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасида жиноят қонунида назарда тутилган жазолар муайян тартибда жойлаштирилган бўлиб, жазо тизимини ташкил қилади. Жиноят кодексида назарда тутилган жазо турлари уларнинг оғирлик даражасига қараб муайян тартибда жойлаштирилган қаътий рўйхати жазо тизими деб айтилади.

Криминалист олим М.Х.Рустамбоев жазо тизимига қуйидагича таъриф берган “ жазо тизими енгилдан оғирига қараб жойлаштирилган жазо турлари йиғиндисидир”².

Жазо тизими жиноят ҳуқуқининг умумий принципларига асосланади, бу принциплар: қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади. ЎзР ЖКнинг 43-моддасида берилган жазо тизими расмий бўлиб, ўрни, номланишини эркин равишда ўзгартирилиши мумкин эмас. 43-моддадаги жазо тизимида ҳар бир жазонинг номи тартиб рақами, муайян тартибда жойлаштирилган ўрни бор. Уларнинг жойлашган ўрни, номини ўзгартириш фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қабул қилган тегишли қонуни билангина амалга оширилади.

Жазо тизими тушунчаси ўзида бир қатор белгиларни назарда тутди. Жумладан: жазо тизимида назарда тутилмаган бирорта мажбурлов чораси,

* ТДЮИ ўқитувчиси.

¹ А.С.Якубов. Р.Кабулов ва бошқ- Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004 й.Б.309.

² М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: “ILM ZIYO» 2005 й.Б.306.

жиноий жазо сифатида тайинланиши мумкин эмас, жазоларнинг турлари, қўлланиш туртиби ва асослари фақат жиноят қонунидагина белгиланган бўлиб, жазо тизимидаги жазоларнинг рўйхати судлар учун мажбурий ҳисобланган³.

Жазо тизимининг анча енгил туридан оғирроқ турига ўтиш асосида қурилиши жиноят ҳуқуқида одиллик, тенглик, инсонпарварликни акс эттирувчи гуманизм принциплари тараққий этишидан далолат беради. Бевосита қонуннинг ўзида жазонинг алоҳида турларини қўллаш шартлари, чегалари ва қондаси кўрсатилган бўлиб, бу эса жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг бир хил бўлишини таъминлайди. Жазо тизимида жиноят ҳуқуқининг асосий принциплари ўз аксини топган⁴.

Демак, ҳар бир жиноят қонуннинг жазо тизими умумэътироф этилган принципларга асосланиши ва шу принципларнинг негизида жазо тизими шакллантирилиши лозимлиги келиб чиқади. Юқоридаги билдирилган фикрлардан кўрдикки, жиноят қонунимиздаги жазо тизими умумэътироф этилган принципларга ва Ўз.Р.ЖКнинг 3-моддасида аниқ қилиб кўрсатилган принципларга, яъни, қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига жуда-жуда мос келади. Бундан келиб чиқадики, Ўзбекистон Республикасининг жазо тизими одиллиги билан ажралиб туради десак хато қилмаймиз.

Жамият ва давлатда юз берган ижтимоий сиёсий ўзгаришлар жазо тизими, уларнинг жойлашиш тартиби, ўз аҳамиятини йўқотганларини бу тизимдан чиқариб ташлаш ёки янги жазо турини киритилишига таъсир қилиш мумкин⁵.

Худди шунга ўхшаш фикрни олим М.Х.Рустамбоев ҳам билдирган⁶.

Давлатнинг жазо тизими жиноятчиликка қарши кураш малакасига, ҳуқуқшунослик, психология, педагогика фанларининг илмий ютуқларига асосланган ҳолда, жиноят содир этган шахсларнинг ахлоқан тузалишига самарали таъсир кўрсатади, шунингдек, маҳкумлар ва бошқа шахслар томонидан янги жиноят содир этилишини олдини олади.

Мамлакатимиз Жиноят Кодексининг 43-моддасида белгиланган жазо тизими содир этилган жиноятнинг оғирлиги ёки унча хавфли эмаслиги нуктаи назаридан жиноят ҳуқуқи назариясига мувофиқ бўлиши тўғрисидаги фикрларга, яъни юқоридаги айтиб ўтилган фикрларга тўла мос келади. Аввалги Жиноят кодексидан фарқли равишда янги жиноят кодексидagi жазо тизими ўзининг оғирлиги нуктаи назаридан юқоридан пастга қараб эмас, балки пастдан юқорига қараб белгиланган. Жазо тизимининг бундай тартибда белгиланиши ўзида инсонпарварлик принципини тўлиқ акс эттиради. Суд айбдорга нисбатан фақатгина ЖК да белгилаб қўйилган жазонинг турларинигина қўллаши мумкин. Бу эса қонунийлик ва давлатимизнинг жиноятчиликка қарши кураш

³ Муаллифлар жамоаси. Жиноят ҳуқуқи Умумий қисм. / Дарслик. Т., Адолат. 1998 й.Б.178.

⁴ А.С.Якубов. Р.Кабулов ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2004 й.Б.309.

⁵ М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: “Янги аср авлоди» 2005 й.Б.380.

⁶ М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: “ILM ZIYO» 2005 й.Б. 307.

сиёсати, жазолаш функциясини амалга оширилиб келиши таъминлаётганлигининг ёрқин далилидир

М.Х.Рустамбоев амалдаги ЖК да кўрсатилган жазо тизимининг қуйидаги энг муҳим элементларини кўрсатиб ўтиш мумкин дейди, яъни

1) давлат номидан қўлланилиши орқали судланувчини тарбиялашга, жиноий фаолиятининг олдини олишга, шунингдек, умумий махсус превенцияга эришиш мумкин бўлган жазо тизимини ташкил қилувчи элементлар сифатида фақат алоҳида давлат мажбурлов чораси кўрсатилади;

2) жазо тизими элементлари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Жазо тизимининг бу белги жазо самарадорлигига эришиш учун ҳар томонлама ёндашишни билдиради, яъни белгиланган мақсадга эришиш бирон-бир жазо чорасини қўллашга эмас, балки судланувчига комплекс таъсир чораларининг қўлланилиши билан боғлиқдир. Бу белги ЖКнинг махсус қисми тегишли моддаси нормаларида муқобил жазо чораларининг белгиланиши ёки қўшимча жазо чорасини қўлланишида намоён бўлади;

3) жиноят қонунида белгиланган давлат мажбурлов чоралари қатъий бўлиб, унинг кенгайтирилишига йўл қўйилмайди. ЖК да кўрсатилмаган жазо чораларини айбдорга қўлланиши мумкин эмас. ЖК даги жазо тизимига киритилмаган жазо чораси ЖКнинг махсус қисми санкциясига ҳам киритилиши мумкин эмас;

4) жазо тизимига киритилган жазо турлари жиноятнинг оғирлик даражаси бўйича, енгилдан оғирига қараб жойлаштирилган⁷.

Бошқа бир гуруҳ олимлар А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқалар жиноий жазо тизимини уч жиҳатдан бўлиб ўрганишни илгари сурганлар.

1. Жазо тизими жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазони амалга оширувчи одил судлов органларининг иштироки мажбурий бўлган ва жиноятчиликка қарши кураш чораларини ўз ичига олган жиноий жазолар йиғиндисидир.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодекси 43-моддасида жазо турлари қуйидаги тартибда баён қилинган.

Жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги жазолар қўлланилиши мумкин: 1) жарима; 2) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; 3) ахлоқ тузатиш ишлари; 4) хизмат бўйича чеклаш; 5) камоқ; 6) интизомий қисмга жўнатиш; 7) озодликдан маҳрум қилиш; 8) ўлим жазоси.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари қуйидаги жазолар ҳам қўлланилиши мумкин: А) ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш; Б) мол-мулкни мусодара қилиш. Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин⁸.

⁷ М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: дарслик/ - Т.: «ILM ZIYO» 2005 й.Б.306-307.

⁸ Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. Ўз.Р. ИИВ Академияси, Т.: «Адолат» 1997 й.Б.78.

Юкорида номлари кўрсатилиб ўтилган жазолардан фақат биттаси, яъни мол-мулкни мусодара қилиш қўшимча жазоси 2001 йил 29 августда⁹ Жиноят кодексида буткул чиқариб ташланди.

Шу ўринда, амалдаги Жиноят кодекси билан 1959 йилда қабул қилинган ЖК даги жазо тизимини ҳамда собиқ иттифокдаги бир нечта давлатлар, масалан: Россия Федерациясининг ЖК, қўшни давлатлар ҳисобланган Қозғистон ва Қирғизистон Республикаларининг ЖК даги жазо тизимини умумий жиҳатдан қиёсий таҳлил қилиб чиқсак.

1959 йил 21 майда қабул қилинган Собиқ Ўзбекистон ССРнинг жиноят кодексининг 21-моддасида кўрсатилган жазо турлари характери бўйича учга бўлинади:

1) Асосий жазолар: а) озодликдан маҳрум қилиш; б) ахлоқ тузатиш иши; в) жамоат иззаси; г) интизомий батальонга юбориш. Бу жазолар суд томонидан тайинланадиган бошқа жазоларга қўшиб берилиши мумкин эмас.

2) Асосий ёки қўшимча жазолар: а) сургун; б) бадарға; в) муайян касбни эгаллаш ёки муайян иш билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш; г) штраф; д) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш; е) вазифасидан бўшатиш. Бу жазолар агар қонун санкциясида кўрсатилган бўлса, асосий жазо сифатида, қолган ҳолларда эса қўшимча жазо қилиб берилиши мумкин. Суд ишнинг ҳолатлари ва айбдорнинг шахсига қараб, жазони кучайтириш зарур деб топса, қўшимча жазони асосий жазога қўшиб беради, лекин у асосий жазога қараганда оғир бўлмаслиги керак.

Сургун, бадарға ва штраф жазолари қонун санкциясида кўрсатилган ҳоллардагина қўшиб берилиши мумкин.

3) Қўшимча жазолар: а) мол-мулкни мусодара қилиш, б) ҳарбий, фахрий ёки махсус унвонлардан маҳрум қилиш.

Бу жазолар асосий жазолардан бирига фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда қўшиб берилиш мумкинлиги¹⁰ кўрсатилган бўлса.

Амалдаги ЖК нинг негизида ёзилган бир қатор дарсликларда жазо тизими илмий-назарий жиҳатдан турлича тарзда қуйидагича тартибда таҳлил қилиб берилган. Масалан: жазо тизимида назарда тутилган маҳкумларнинг ҳуқуқларини чеклаш, моддий ва маънавий жафо келтириш ва ижро этиш усулига қараб шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Маҳкумларга нисбатан моддий жафо келтирувчи жазолар. Буларга: жарима ахлоқ тузатиш ишлари, мол-мулкни мусодара қилиш жазолари киради.

2. Маҳкумларга маънавий жафо етказувчи жазоларга хизмат бўйича чеклаш, ҳарбий ёки махсус унвонда маҳрум қилиш жазоларини кўриш мумкин.

3. Маҳкумларнинг айрим ҳуқуқларини чекловчи жазоларга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш.

4. Маҳкумларнинг озодлигини чекловчи жазоларга қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш жазолари киради.

5. Шунингдек, ўлим жазоси назарда тутилди.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2001 йил. 9-10-сон. 165-модда.

¹⁰ Расулов О.Х. Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисми/ Дарслик. Т.: "Ўқитувчи" 1969 й.-Б.245-246.

Шу ерда жиноий жазо тизими бошқачароқ талқинда ҳам таҳлил қилинган бўлиб,

1. Фақат асосий жазо сифатида тайинланадиган жазолар;
2. Асосий ёки қўшимча жазо сифатида тайинланадиган жазолар;
3. Фақат қўшимча жазо сифатида тайинланадиган жазоларга¹¹ бўлиб кўрсатишган.

Б.М.Леонтьевнинг фикрига кўра, «Асосий жазо-фақат ўзи қўлланиладиган, бошқа жазоларни тўлдириш учун ёки улар билан бирга қўлланиши мумкин бўлмаган, жазонинг асосий мақсадини амалга ошириш боғлиқ бўлган жазодир. Қўшимча жазо-бу жазонинг мақсадини амалга ошириш учун ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган жазодир. Қўшимча жазо алоҳида қўлланиши мумкин эмас, у фақат асосий жазога қўшимча равишда қўлланилади».

М.Х.Рустамбоев қўшимча жазоларга қуйидагича ёндашган, 1) алоҳида жазо чораси сифатида қўлланилиши мумкин эмаслиги; 2) асосий жазога қўшиб қўлланилиши мумкинлиги; 3) жазонинг мақсадига эришишига кўмаклашади¹².

Г.А.Кригер ва Г.Д.Кригерларнинг юридик адабиётларида асосий жазонинг функцияси-жиноятчини тўғри йўлга қайтариш, қўшимча жазонинг функцияси эса қайта тарбиялашдан иборат, деб ҳисоблайдилар.

Жазо тизимини умумий ва махсус жазоларга бўлиб ўрганишни М.Х.Рустамбоев тавсия қилган, бунга кўра, умумий жазолар, бу жиноят субъекти белгиларига эга бўлган ҳар қандай шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо тизимидир. Махсус жазо, қонунда қатъий белгиланган субъектлар доирасига қўлланиладиган жазо чорасидир. Масалан, интизомий қисмга жўнатиш ва ҳарбий унвондан маҳрум қилиш фақат ҳарбийларга нисбатан қўлланилади.

Муайян муддат билан боғлиқ ва муайян муддат билан боғлиқ бўлмаган жазолар қўлланилаётган жазонинг хусусиятига қараб ажратилади. Муайян муддат билан боғлиқ жазоларга суд томонидан белгиланадиган, максимал ва минимал муддатлари кўрсатилган жазолар (ОМҚ, АТИ, қамок, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш) киради. Шундай жазолар ҳам борки, уларнинг ижроси муайян вақт билан боғлиқ бўлмайди: жарима, ҳарбий ёки махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш. Бундан ташқари, маҳкумларга нисбатан моддий жафо келтирувчи жазолар мавжуд бўлиб, бундай жазоларга жарима жазоси мисол бўлади.

Маҳкумларнинг айрим ҳуқуқларни чекловчи жазоларга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш киради. Маънавий жафо келтирувчи жазоларга хизмат бўйича чеклаш, ҳарбий ёки махсус унвонда маҳрум жазоси киради. Маҳкумнинг озодлигини чекловчи жазоларга қамок, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш жазолари киради¹³.

Жиноят кодексида ўлим жазоси ҳам назарда тутилган, лекин 2005 йил 2 август кундаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармонида

¹¹ Муаллифлар жамоаси. Жиноят ҳуқуқи/ Умумий қисм. Дарслик. Т., Адолат. 1998 й.Б.186.

¹² М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: "ILM ZIYO" 2005 й.Б.308.

¹³ М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: "ILM ZIYO" 2005 й.-Б.308-309.

кўра, 2008 йил 1 январдан бошлаб, ЖК дан чиқариб ташлаш мақсад қилиб қўйилди.

Асосий жазолар – содир этилган жиноят учун асосий жазо тариқасида мустақил тайинланиши мумкин бўлган жазолардир. Шу турдаги жазолар ҳеч қачон бошқа қўшимча жазолар сифатида тайинланаши мумкин эмасдир. ЖК да бир нечта асосий жазолар назарда тутилган, бироқ суд уларнинг фақат биттасинигина тайинлаши мумкин. Асосий жазоларни биз юқорида бирма-бир санаб ўтган эдик, шунинг учун такроран номларини келтириб ўтиш лозим топмадик.

Бизга юқоридаги фикрлардан маълум бўлдики, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси асосий жазо сифатида ҳам қўшимча жазо тариқасида ҳам тайинланиши мумкин бўлган ягона жазодир.

Қўшимча жазолар – бу турдаги жазолар жазонинг мақсадига эришишни таъминлаш учун асосий жазога қўшиб тайинладиган жазолардир. Мазкур жазолар ҳеч қачон мустақил равишда тайинланиши мумкин эмас. Бу жазоларга ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш ва 2001 йил 29 августда жиноий жазоларни либераллаштирилиш муносабати билан ЖК дан олиб ташланган мол-мулкни мусодара қилиш жазоси киради. Қўшимча жазолар шуниси билан характерлики, бу жазолар асосий жазо сифатида тайинланаётган жазоларни тўлдиради ва уларга қўшиб берилади. Бу эса содир қилинган жиноятга одилona жазо тайинлаш имкониятини беради.

Қўшимча жазога ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш киради. Жиноий жазонинг либераллаштирилиши муносабати билан ЖК да жазо тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш чиқарилди. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ҳам асосий жазо сифатида, ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида вояга етмаганларга нисбатан ҳам алоҳида жазо тизими мавжуд ва бу ўзига хос хусусиятлари билан умумий асосда тайинладиган жазолардан алоҳида ажралиб туради.

Бунга кўра ЎЗР ЖК нинг 81-моддасига кўра, вояга етмаганларга нисбатан 4 та асосий жазо сифатида а) жарима; б) ахлоқ тузатиш ишлари; в) қамок; г) озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланиши мумкин. Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас.

Энди эса МДХга кирувчи айримлар давлатларнинг ЖК даги жазо тизими билан миллий қонунчиликдаги жазо тизимини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилсак.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 44-моддасида жазо турларининг аниқ рўйхати кўрсатилган бўлиб, бунга кўра мазкур ЖК да 13 жазо тури мавжудлигини кўрамыз. Булардан 9 жазо тури фақат асосий жазо сифатида тайинладиган жазолар сирасига кирса, 2 тури эса қўшимча жазолар ҳисобланади. Шундан иккита жазо тури ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо тариқасида тайинланади. Биз хали бу жазо турларини батафсил қуйида кўриб чиқамиз.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 44-моддасига кўра, жазо турлари қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) жарима;
- 2) муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан ёки муайян мансаб билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш;
- 3) давлат мукофоти ва мансаб даражаси (бу ерда ҳарбий денгиз флотидаги ҳарбий унвонларчиналар назарда тутилмоқда), ҳарбий ёки махсус фахрий унвонлардан маҳрум қилиш;
- 4) мажбурий меҳнатлар;
- 5) ахлоқ тузатиш ишлари;
- 6) ҳарбий хизмат бўйича чеклаш;
- 7) мол-мулкни мусодара қилиш;
- 8) озодликдан чеклаш;
- 9) қамоқ;
- 10) интизомий ҳарбий қисмга жойлаштириш;
- 11) муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш;
- 12) умрбод озодликдан маҳрум қилиш;
- 13) ўлим жазolari борлиги кўрсатилган¹⁴.

РФ ЖК 45-моддасининг биринчи қисмида фақат асосий жазо сифатида қуйидаги 9 та жазо турлари тайинланишлиги кўрсатилган бўлиб, булар мажбурий меҳнатлар, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликдан чеклаш, қамоқ, интизомий ҳарбий қисмга жойлаштириш, муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш, ўлим жазolariдир.

45-модданинг иккинчи қисмида эса асосий жазо сифатида айни вақтда қўшимча жазо тариқасида ҳам тайинланиши мумкин бўлган 2 та жазо тури жарима ва муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан ёки муайян мансаб билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазolari бўлса.

Мазкур модданинг учинчи қисмида фақат қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин бўлган мол-мулкни мусодара қилиш ва давлат мукофоти ва мансаб даражаси (бу ерда ҳарбий денгиз флотидаги ҳарбий унвонларчиналар назарда тутилмоқда), ҳарбий ёки махсус фахрий унвонлардан маҳрум қилиш жазolari кўрсатилган¹⁵.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 39-моддасида жазо турларининг аниқ рўйхати кўрсатилган бўлиб, бунга кўра мазкур ЖК да 12 жазо тури борлигини кўрамыз. Булардан 10 жазо тури фақат асосий жазо сифатида тайинланадиган жазolar бўлса, 2 та тури эса қўшимча жазolar хисобланади. Шундан иккита жазо тури ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо тариқасида тайинланади. Ушбу жазо турларини қуйида имкон қадар кўриб чиқишга ҳаракат қилинади.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 39-моддасида жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазolar қўлланилади:

- 1) жарима;

¹⁴ Уголовный Кодекс Российской Федерации. Официальный текст. Москва. «ОМЕГА-Л». из-во. 2003 й.-Б. 18-19.

¹⁵ Уголовный Кодекс Российской Федерации. Официальный текст. Москва. «ОМЕГА-Л». из-во. 2003 й.-Б. 19.

2) муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан ёки муайян мансаб билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш;

3) ахлоқ тузатиш ишлари;

4) жамоат ишларига жалб қилиш;

5) ҳарбий хизмат бўйича чеклаш;

6) озодликдан чеклаш;

7) қамоқ;

8) интизомий ҳарбий қисмга жойлаштириш;

9) озодликдан маҳрум қилиш;

10) ўлим жазолари белгиланган¹⁶.

Модданинг иккинчи қисмида айбли деб топилган шахсларга нисбатан фақат асосий қуйидаги жазолар тайинланиши мумкинлиги белгиланган, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан ёки муайян мансаб билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, жамоат ишларига жалб қилиш, ҳарбий хизмат бўйича чеклаш, озодликдан чеклаш, қамоқ, интизомий ҳарбий қисмга жойлаштириш, озодликдан маҳрум қилиш, ўлим жазосидир.

Модданинг иккинчи қисмида фақат қўшимча жазо тариқасида ҳам тайинланиши мумкин бўлган 2 та жазо тури бор. Булар қуйидагилардир;

А) давлат мукофоти ва малакавий даражалари, дипломатик унвон, мансаб даражаси (бу ерда ҳарбий денгиз флотидаги ҳарбий унвонларчиналар назарда тутилмоқда), ҳарбий ёки махсус фахрий унвонлардан маҳрум қилиш жазоси;

Б) мол-мулкни мусодара қилиш жазоси;

Ушбу модданинг учинчи қисмида эса асосий ва қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин жарима ва давлат мукофоти ва малакавий даражалари, дипломатик унвон, мансаб даражаси (бу ерда ҳарбий денгиз флотидаги ҳарбий унвонлар чиналар назарда тутилмоқда), ҳарбий ёки махсус фахрий унвонлардан маҳрум қилиш жазосилари кўрсатилган¹⁷.

Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасида жазо турларининг аниқ рўйхати кўрсатилган бўлиб, бунга кўра мазкур ЖК да 10 жазо тури борлигини кўрамыз. Шулардан 8 жазо тури фақат асосий жазо сифатида тайинланадиган жазолар бўлса, 2 та тури эса қўшимча жазолар ҳисобланиб, иккита жазо тури ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо тариқасида тайинланади. Санаб ўтилган жазо турларини энди имкон қадар кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасида жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилади:

1) жамоат ишларига жалб қилиш;

2) жарима;

3) тройной айып;

¹⁶ Уголовный Кодекс Республики Казахстан. 1.09.1999 йилгача ўзгартириш ва қўшимчалар. Алматы. «ЮРИСТ» из-во. 1999 й.Б.14.

¹⁷ Худди шу ерда.

4) муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан ёки муайян мансаб билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш;

5) интизомий ҳарбий қисмга жойлаштириш;
ахлоқ тузатиш ишлари;

6) қамоқ;

7) озодликдан маҳрум қилиш;

8) ўлим жазосидир¹⁸.

Қирғизистон Республикаси ЖК нинг 2-қисмида айбли деб топилган шахсларга нисбатан фақат асосий қуйидаги жазолар тайинланиши мумкинлиги белгиланган, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан ёки муайян мансаб билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, жамоат ишларига жалб қилиш, ҳарбий хизмат бўйича чеклаш, озодликдан чеклаш, қамоқ, интизомий ҳарбий қисмга жойлаштириш, озодликдан маҳрум қилиш, ўлим жазосидир.

Модданинг иккинчи қисмида жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги фақат қўшимча жазо тариқасида тайинланадиган 2 та жазо тури борлиги белгиланган. Булар қуйидагилардир;

1) ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш;

2) мол-мулкни мусодара қилиш жазоси;

Ушбу модданинг учинчи қисмида эса асосий ва қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин жарима ва муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан ёки муайян мансаб билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш каби жазолар кўрсатилган¹⁹.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоиздирки, ҳар-бир жамият ва давлатда юз берган ижтимоий сиёсий ўзгаришлар натижасида жазо тизими, уларнинг жойлашиш тартиби, ўз аҳамиятини йўқотганларини бу тизимдан чиқариб ташлаш ёки янги жазо турининг киритилишига таъсир қилади. Айнан шу жараён вақтида юқорида мисол тариқасида келтириб ўтилган хорижий мамлакатларининг ЖК даги айнан жазо тизими институтида оттирган бой тажрибаларидан ҳам нафақат ҳозирда, балки келажакда ҳам фойдаланиш фойдадан холи эмас. Зеро, ҳеч бир демократик давлат бошқа мамлакатларнинг бу борадаги бой тажрибаларидан фойдаланмасдан ўз-ўзича жиноят қонунини такомиллаштириб бориши мушкулдир, деган фикрдамиз.

¹⁸ Уголовный Кодекс Кыргызской Республики. Законодательство зарубежных стран. Предисловие канд.юрид.наук.зам. прокурора Санкт-Петербурга А.П.Стуканова, канд.юрид.наук.зам. начальник управления прокуратуры С.- Петербурга П.Ю.Костантинова. Санкт-Петербург. «Юридический центр Пресс» 2002 й.Б. 66-67.

¹⁹ Уголовный Кодекс Кыргызской Республики. Законодательство зарубежных стран. Предисловие канд.юрид.наук.зам. прокурора Санкт-Петербурга А.П.Стуканова, канд.юрид.наук.зам. начальник управления прокуратуры С.- Петербурга П.Ю.Костантинова. Санкт-Петербург. «Юридический центр Пресс» 2002 й.Б. 67.